

БАДМИНТОН СПОРТ ТУРИ ИХТИСОСЛИГИГА ТАНЛОВ МЕТОДИКАСИ

Абдуллаев Абдували

“Жисмоний тарбия назарияси” кафедраси профессори в.в.б.

Педагогика фанлари номзоди,

Исмоилов Иззат, ФарДУ 2-курс магистранти

Аннотация. Мақола спортга йўналтириш ва спорт ихтисослигига истеъдодли болаларни излаш ва топиш махсус йўналтирилган яхлит жараён эканлиги бадминтон спорт тури мисолида ёритилган. Жисмоний тарбия бакалаврлари ва спорт тренерлари учун мўлжалланган.

Калит сўзлар. Бадминтон; волан; маҳорат; оммавий спорт; соғломлаштириш спорти; ракетка; йўналтириб танлаш; жисмоний статуси кўрсаткичи; ҳаракат техникаси.

Муаммонинг илмий назарий асослари ечимига мансуб изланишларимиз, мамлакатимизда ўқувчи талаба ёшларни спортга йўналтириш, истеъдодлиларни танлаш, уларни маҳоратини ошириш ва бадминтон спорт ўйинидан жисмоний тарбия воситаси сифатида фойдаланишга мансуб илмий тадқиқотларнинг мониторингини назарда тутди. Изланишларимиз орқали спорт ўйинларининг ҳозирги кунда оммалашishi жонланган бадминтон спорт тури тарихи, унинг мазмуни ўйин техникаси, ўйинчини техник тайёргарлигини ошириш, шунингдек, уни турли ёшдагиларда машқ қилишнинг илмий-назарий ва методик асослари ҳолатини даражасини ўрганилганлиги бизни қизиқтирди.

Республикамизнинг қатор олимлари, тажрибали бадминтон спорти турининг тажрибали тренерлари А.Р. Ўсмонов,, А.И.Толибжонов, Н.Ю.Супов, Б.В. Беков, С.Д.Акзамов ва бошқаларнинг фақат бадминтон спорт ўйини эмас мамлакатимиз спорт классификациясига киритилган спорт ўйинлари, уларнинг тренировка машғулотлари, шуғулланувчи ўқувчи ёшларнинг техник тайёргарлик таълими, спорт маҳоратини ошириш, тренировкалар жараёни, уни ржалаштиришга мансуб муаммолар ёритилган ўқув қўлланмалари, илмий анжуманлардаги чиқишларига мансуб ўқув услубий адабиётларни, юзага келаётганлигини аниқладик¹⁹.

¹⁹ Беков Б.В., Акзамов С.Д. “Спорт педагогик маҳоратни ошириш”. Ўқув қўлланмаси, “Classic nashryot”, iФарғона .2023 145 б.

Jismoniy tarbiya va sport sohasi samaradorligini oshirishda fiziologik, pedagogik-psixologik yondashuvlar va fanlararo integratsiyalashuv masalalari

Мақоламизада бадминтон спорт турига янги, маҳоратини оширишни мақсад қилиб келган янги ўрганувчилар, шуғулланувчиларни, *бадминтон секциясига танлашга мансуб муаммони*(мактаб ёшидагилар мисолида) алоҳида жиҳатларини, шу кунгача спорт ўйинлар бўйича соҳа мутахасислари томонидан тўпланган бой тажрибани ўрганиш ва умумлаштиришдек долзарб масалани эътиборингизга ҳавола қилишни мақсад қилдик.

Аслида, спорт турларига танлов доимий муаммо. Айниқса, мамлакатимизда оммавий спорт турлари саналган спорт педагогикаси фанлари - волейбол, баскетбол, гандбол, футбол ва бошқаларга танловлар методикаси бўйича соҳамизнинг малакал русий забон олимлари М.Зациорский, В.П.Филин, В.Н.Бальсевич, Ю.Д.Железняк, В.В. Платонов Ю.Г.Травин, В.П.Губа ва бошқаларнинг изланишлари ва ўйинларнинг жисмоний маданият ва спорт таълим тарбиясининг воситаси сифатидаги илмий тадқиқотларини эътироф этишимиз жоиз²⁰.

Республикамизда оммавий ўйинларни илмий назарий асосларига мансуб ўтказилган тадқиқотлар мавжуд, лекин, алоҳида бадминтон спорт турининг илмий услубий асослари ўрганилган кўламига кўра кенг илмий тадқиқотлар ўтказилмаган. Лекин, муаммонинг алоҳида звенолари қисман ўрганилганлиги, жумладан биз кўл урган ўйинлар туркумига кирган жисмоний машқлар “кўнгил очиш машқлари”дан бири сифатида яқин яқинларгача ҳам ёки “соғломлаштириш машқи”, актив дам олишнинг амалий воситаси сифатида эътиборда бўлган.

Ўйин тарихига назар солсак одатдагидек уни қайси мамлакатда илк бор ўйналганлиги ҳақида қатор ривоятлар мавжуд.

Масалан, қадимги Юнонлар, Японлар, Ҳиндлар, ҳатто Африка ҳалқларининг юртимизда ўйналган “ланка” ўйинига ўхшаш, ғоз патидан ясалган ҳозирги “волан” - “учувчи пат” деб номланган Хитойликлар ўйини, эрамиздан минг йил аввал, XVI асрга келиб Европалик аристократлар ўйнаган ўйинлар, XVIII асрда Россияда ўйналган ўйинлар ҳақида далиллар мавжуд.²¹

Бадминтон спорт ўйинига мансуб ўқув қўлланмалари, методик тавсиялар, электрон ўқув материаллари аста секинлик билан шаклланимоқда. Изланишларимиз бадминтон спорт туридаги танлов спорт ўйинларининг қатор

²⁰ Абдуллаев А. “Болалар ва ўсмирлар спорт ўйинлари”/ ўқув қўлланма /Фарғона/. “Classic” нашриёти - 2024 й. 240 б.

²¹ Беков Б.В., Акзамов С.Д. “Спорт педагогик маҳоратни ошириш”. Ўқув қўлланмаси, “Classic nashryot”, iФарғона. 2023 145 б.

Jismoniy tarbiya va sport sohasi samaradorligini oshirishda fiziologik, pedagogik-psixologik yondashuvlar va fanlararo integratsiyalashuv masalalari

бошқа турларидаги танловлар амалиётига яқин методикалардан фойдаланилаётганлиги кўрсатди.

Республикамизнинг бадминтон бўйича етакчи мутахасислари, маҳоратли бадминтончилар малакали спорт тренерларимиз - мамлакат чемпионати ғолиблари ва совриндорлари билан ўтказилган суҳбатлар, интервьюлар, педагогик кузатувлар, бадминтонга яқин ҳаракат техникаси, бири-бирига ухшаш спорт турларидаги тестлар, танлов синовлари меъёрларидан фойдаланиш, масалан, волейбол, стол тенниси, катта теннис қўл тўпи, футбол спорт тури, танлов методикасидан фойдаланиб келинаётганликни аниқладик. Чунки, бадминтон спортининг биз юқорида қайд қилган “қариндошлари”нинг ўйин техникаси, техникасининг асоси, звенолари, деталлари бири бирига яқин, айрим ҳолатларда бир бирини такрорлайди.

Бадминтон спорт турига мослашув ва ўйинчиларни танлови: уларнинг жисмоний статуси кўрсаткичлари бўлажак бадминтончини майдонда бажарадиган ҳаракат фаолиятларига аутентлаш билан ўзвий боғлиқлиги, ҳаракатларини сураъти, интенсивлиги (жадаллиги), тезлиги, тезлигининг кучи, чидамлилиги, чакқонлиги, ҳаракат координацияси (энг муҳим сифатлари)нинг шакллانганлиги потенциалини мавжудлиги ҳозирги кунда ўзини оқламоқда.

Фикримизни ҳорижлик олимлар, масалан А.А.Гужаловский спортчини танлаган спорт турига мослашуви тахилилида эътиборга лойиқ фикрларни ўртага ташлаган. Спортда мослашув фақат бадминтонда эмас, (адабтация), бу болалар ва ёшларни индивидуал қобиляти, спорт турига иштиёқи ва ундан оладиган мативациясини ҳисобга олган ҳолда “спорт ихтисослашуви предмети”ни танлашга кўмаклашиш заруриятлиги масаласига эътибор бериш талабини кўяди.

Муаллиф йўналиш бўйича ўйинчини танлаб жойига қўйишдаги танловларда бошланғич жиҳат спорт тури эмаслиги, балки, қайси спорт фаолияти унинг учун қулайроқ эканлигини тўғри аниқлаш муҳимлигини такидлайди.

Майдоннинг қайси жойида фойдали фаолияти кучли бўлган танловга асосий номзод *руҳий-педагогик, жисмоний - физиологик, ўйинчининг биолгик тип (кабутарлар, тўрғайлар, бой қушлар)га мансублиги ва бошқаларга оид махсус билимлар талабини эътиборга олиш* шу кунни талаби.

В.Л.Яковлев эса ўйинчига йўналиш танлаш умуман бошқа мақсадни - инсонга унинг жисмоний имкониятлари, феъл-атвори, дидига мос келадиган спорт машғулотини танлашда кўмаклашиш, инсонни интилиш ва имкониятлари уйғунлигини юзага келтириш муҳимлигини такидлайди.

Jismoniy tarbiya va sport sohasi samaradorligini oshirishda fiziologik, pedagogik-psixologik yondashuvlar va fanlararo integratsiyalashuv masalalari

А.Гужаловский «Спорт йўналиши ва танлови турлари» атамасини спорт назарияси мазмунига сингдириб, «Спорт танлови босқичлари» атамасидан воз кечишини ҳамда спорт ихтисослигига йўналтириш ва танловнинг қуйидаги асосий кўринишларини тавсия қилмоқда:

а) болаларни спорт билан шуғулланишга жалб қилишни кучайтириш билан иқтидорли болаларни “элакдан ўтказиш”да иқтидорлиларни йўқотиб қўймаслик учун шуғулланувчиларни оммавий қабул қилиб спорт танловини йўлга қўйиш, шуғулланиши учун танлаб олишда йўналтирилган танловдан воз кечиб умумий спорт йўналиши танловини йўлга қўйиши бўлажак захиралар, уларни сонини ортишига олиб келади, элакдан ўтказишда иқтидорлиларни йўқотиб қўйишини олди олинади.

б) болалар ва ўсмирларнинг муайян спорт турлари, жумладан бадминтон спорт ўйини танловларда ҳам жисмоний статусининг кўрсаткичларини мувофиқлигини аниқлашга қаратилиб ташкилланадиган танлов йўналиши ҳам ўзининг ижобий салбий томонлари борилигини такидлайди;

в) ёш спортчиларнинг танлаган спорт турига мансуб чекланган ихтисослашув орқали ёппасига танлашни олдини олиш билан боғлиқ бўлган ихтисослашган, йўналтирилган танловни қўллаш;

г) ёш спортчиларнинг муайян ўйин ёки жамоадаги амплуасини аниқлашга қаратилган йўналитирилган танлов;

д) мусобақалар давомида иқтидорли номзодлар орасидан энг яхшиларини беллашув дастурининг муайян қисмидаги чиқишларида мувофиқлаштирилган йўналтирилган, мақсадли танлов;

Хулоса қилиб шуни такидлашимиз жойизки фақат бадминтон спорт турига танловда эмас, спортнинг барча турларига йўналиш бериш ва танлов муаммоси ечими қуйидагиларга боғлиқлигини аниқладик:

- «идеаллар шаклланиши» - бунинг замирида спорт турига мос келадиган, қониқтирадиган экстракласс спортчиларни аниқлашни;

- “башорат қилиш” билан танлаш - кўрсаткичлар барқарорлиги ёки наслий мерос таъсирни эътиборга олиш билан танлаш заруриятлигини;

- “тоифалаштириш” билан танлаш - номзодларни самарали танлашни таъминловчи тоифавий нормативларини қўллаш билан аниқлаш;

- “танловни ташкиллаштириш” - танлов босқичлари миқдори, уларнинг давомийлиги, танловнинг турли босқичларидаги тестлар миқдори ва тақсимоти орқали танлаш.

Jismoniy tarbiya va sport sohasi samaradorligini oshirishda fiziologik,
pedagogik-psixologik yondashuvlar va fanlararo integratsiyalashuv
masalalari

Спортга йўналтириш ва спорт ихтисослигига истеъдодли болаларни
излаш ва топиш махсус йўналтирилган яхлит жараёнدير.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Абдуллаев А. "Болалар ва ўсмирлар спорт ўйинлари" / ўқув қўлланма
/Фарғона/. "Classic" нашриёти - 2024 й. 240 б.

2. Беков Б.В., Акзамов С.Д. "Спорт педагогик маҳоратни ошириш". Ўқув
қўлланмаси, "Classic nashryot", iФарғона .2023 145 б.

